

0'zbekistonda sog'liqni saqlash

Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 26 январь • №4 (1438)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2023-2026 ЙИЛЛАРДА ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТҮҒРИСИДА

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва туберкулёз инфекциясидан ҳимоялаш, туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4191-сон қарорига мувофиқ қўйидаги ишлар амалга оширилди:

2021 йилга келиб туберкулёздан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 35,2 тани, ўлим кўрсаткичи эса 1 тани ташкил қилиб, 2019 йил кўрсаткичларига нисбатан мос равища 9,3 ва 16,6 фоизга камайди;

тизимдаги мультидисциплинар гурухлар томонидан кўрсатилган руҳий-ижтимоий ёрдам натижасида даволаш муддатларига риоя этмаган

беморлар сони 2 бараварга камайди; хавфли гурухга кирувчи 12 минг шахсларда туберкулёзнинг латент шакли аниқланган ва профилактик даво билан тўла қамраб олинди;

80 та тумандаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида замонавий тезкор молекуляр-генетик ташхислаш усули амалиётга татбиқ этилди.

Давоми 2-бетда ➔

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

2022 йил 18 марта куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини янада ошириш, аҳоли орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича текширувлар қамровини ошириш, беморларга сифатли тиббий ва руҳий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

1. Аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Боз Ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун “95-95-95” стратегияси илгари суригланлиги ва унинг доирасида ОИВ инфекциясини юқтириб олган

Давоми 2-бетда ➔

МАҲОРАТ, ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ

ЎЗБЕК ШИФОКОРИНИ ҚАҲРАМОНГА АЙЛАНТИРГАН ЖАСОРАТ

Илк бор юртимиз шифокорлари томонидан сиам эгизаклари муваффақиятли ажратиб олинди

Она-бу мўътабар зот. Донишмандларимиздан бири “Дунёда шундай бир улуғ зот борки, биз ундан ҳамиша қарздормиз. У ҳам бўлса она-дир” деган экан. Кўз олдингизга келтирингга, тўққиз ойю, тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўз вужудида дилбандини асраб-авайлаб, соғ-саломат фарзандини дунёга келтирадиган оналаримиз ҳақида қанчалар эътирофли фикрлар айтсақда, сўз бойлигимиз камлик қиласи. Қаламимиз эса ожизлик қиласи. Фарзанди дунёга келгач, тунларни бедор ўтказган она, алла айтиб, оромим ҳам, тинчлигим ҳам, бахтим ҳам сен деб, эркалайдиган зотдир. Ойлар, йиллар ўтиб, она соchlарига оқ оралайди. Умри давомида фарзандининг саломатлиги, тарбияси ва келажаги учун қайғуриб уни камолат сари етаклади. Юқоридаги қисқа фикрларимизга хулоса қиласиган бўлсак, ҳар бир она учун дилбандининг камолини кўриш бу энг катта бахтдир...



Куни кечча Ўзбекистон тиббиёт тарихи йилномасида зарҳал ҳарфлар билан ўрин олган оламшумул воқеа биргина мамлакатимиз, балки, бутун дунё ҳамжамияти нигоҳида бўлди. Мамлакатмизнинг малакали хирурглари томонидан сиам эгизакларининг ноёб операцияси ўтказилиб, улар бир-биридан ажратиб олинди.

Давоми 4-бетда ➔



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2023-2026 ЙИЛЛАРДА ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮГРИСИДА

Давоми. Боши 1 бетда

Шу билан бирга, туберкулөз ва ўпка носпецифик касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тибиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Республика ихтинослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ) фтизиатрия ва пульмонология касалликларини профилактика қилиш, ташхислаш, даволаш ҳамда мазкур соҳаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича республикада бош муассаса хисобланади.

2. Куйидагилар туберкулөз ва ўпка носпецифик касалликларининг олдини олиш, уларни скрининг қилиш ва эрта аниқлаш, даволаш ҳамда тарқалишига қарши курашиб бўйича Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтинослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология тизимларини илгор хорижий тажриба асосида тақомиллаштириша модернизация қилиш;

фтизиатрия ва пульмонология йўналишида вилоят (республика), туман (шахар) худудий тиббиёт муассасалари ўргасида тизимли узвий боғлиқликни ҳамда услубий вертикал бошқарувни таъминлаш;

туман (шахар) фтизиатрия муассасалари қошида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида кундузги стационарларни ташкил этиш орқали ахолига малакали фтизиатрия ва пульмонологик тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмини ошириш ҳамда республика фтизиатрия реабилитация марказларида ўпка носпецифик касалликларининг шифохонадан кейинги даврдаги қузатувини ташкиллаштириш;

туберкулөз ва ўпка носпецифик касалликлари бўйича эпидемик вазиятни мунтазам таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш, касалликлар тарқалиш тенденцияларини прогнозлаш, таклифлар шакллантириш ҳамда беморларнинг миллий электрон реестрини юритиш;

туберкулөз ва ўпканинг носпецифик касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотлар бўйича эксперт тақризини бериш;

ўпка патологиясининг клиник олди белгиларини эрта аниқлаш учун иллик тиббий кўрик доирасида скрининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини амалиётга жорий этиш орқали Марказда ва худудларда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари улушкини ошириш;

ракамли технологиялар ёрдамида беморларни қўллаб-кувватлаш ҳамда амбулатор даволашнинг видеоназорат усулини кенгайтириш;

кўп тармоқли марказий поликлиникалар қошида “Астма ва сурункали обструктив ўпка касалликлари мактаби”ни ташкил этиш орқали ўпканинг носпецифик касалликларига чалинган беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш ва уларни касаллик зўрайишининг олдини олишга ўргатиш;

худудий фтизиатрия ва пульмонология марказлари хузурида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида масофавий ўқитиши ва мониторинг қилиш инновацион марказларини ташкил этиши.

3. 2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсатичлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг куйидагиларни назарда тутувчи фтизиатрия ва пульмонология тизимларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларига розилик берилсин:

а) соҳада яхлит вертикал тизимнинг туман бўғинини яратиш мақсадида туман (шахар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидаги фтизиатрия бўлимлари ва хоналари негизида мавжуд фтизиатрия ва пульмонолог штат бирликлари доирасида фтизиопульмонология бўлимларини ташкил этиши;

б) вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида фаолият юритадиган бош пульмонолог штатларини шифо ўрни фонди колдирилган ҳолда худуддаги фтизиатрия ва пульмонология марказларига ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Камбағалликни кисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар фтизиатрия касалларининг хусусиятларини ҳамда фтизиатрия ва пульмонология тизимларини такомиллаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда барча бўғинларда янгиланган штат месъёрларини тасдиқласин.

Марказга фтизиатрия ва пульмонология соҳасида фаолият юритадиган давлат тиббиёт муассасалари, шу жумладан, уларнинг бўлинмалари иш ҳажми ва мавжуд эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда шифо ўринларини қайта тақсимлаш бўйича асосланган таклифларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритиш ваколати берилсин;

в) тунги уйку сифати ва нафас олиш функцияси бузилишларини ташхислаш ва даволаш мақсадида худудий фтизиатрия ва пульмонология марказларига ажратилган штат бирликлари ва маблағлар доирасида “Уйқу апноэ” марказларини ташкил қилиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили:

а) куйидагилар:

латент туберкулөз инфекциясига скрининг текширувлари сони 1 милли-

он нафаргача;

латент туберкулөз инфекциясига чалинган шахсларни даволаш қамрови 21 минг нафаргача;

туберкулөз микобактериясини бир вақтнинг ўзида 1- ва 2-қатор туберкулөзга қарши дори воситаларига резистентликни аниқлайдиган тезкор ген-молекуляр ташхислаш қамрови 120 минг нафаргача;

туберкулөз билан касалланган 18 минг нафаргача беморларни дори воситалари билан таъминлаш, шу жумладан:

1-қатор (дорига сезувчан туберкулөз билан касалланган беморлар) бўйича – 15 минг нафаргача;

2- ва 3-қаторлар (дорига резистент туберкулөз билан касалланган беморлар) бўйича – 3 минг нафаргача етказилади;

б) 2023 йил 1 марта қадар туман (шахар) тиббиёт бирлашмалари томонидан бирламчи тиббиёт муассасаларирига биринчирилган аҳоли орасидан туберкулөз билан касалланишга мойиллиги бўлган ҳавф гурухига мансуб шахслар рўйхати тузилади;

в) туман (шахар) тиббиёт бирлашмаси мутахассислари томонидан туберкулөз билан касалланиш ҳавф гурухига мансуб:

шахслар (ўсмирлар ва катталар) рентгенологик текширувдан;

болалар иммунологик текширувдан ўтказилади;

г) жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган махкамлар билан бевосита алоқада бўлган Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш муассасалари ва қоровул кўшинларининг ходимларида латент туберкулөз инфекциясиги эрта аниқлаш мақсадида ийлилк профилактик тиббий кўриклар доирасида тегишли скрининг тадбирлари ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда латент туберкулөз инфекцияли шахсларда диагностика жараёнини тубдан яхшилаш учун икки ой муддатда ҳавф гурухларини скрининг қилишнинг йиллик графигини тасдиқлашни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов):

2023 йил 1 марта қадар соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга ажратилган маблағлар хисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигидаги “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти томонидан Фтизиатрия касалларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда – Реестр) ишлаб чиқилишини, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий кўллаб-кувватланишини таъминласин;

2023 йил 1 июлга қадар Марказда Реестр юритилишини, унинг тизимидағи худудий бўлинмалар ҳамда республика, вилоят ва туман (шахар) даражасида фтизиатрия соҳасида фао-

лият юритаётган давлат муассасалари, шу жумладан, уларнинг бўлинмаларида Реестр жорий қилинишини ва ўзаро интеграциясини йўлга кўйисин.

7. “Ўпка саломатлиги” мобил бригадаси доирасида худудлардаги олис, чекка, экологик жиҳатдан нокулай худудларда яшовчи аҳолига бепул тиббий кўрик доирасида скрининг тадбирлари ўтказилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ўзватсаноат” АЖ билан биргаликда “Isuzu” микроавтобуси базасида олис, чекка ва тоғли худудларга мўлжалланган ихтинослаштирилган автотранспорт воситасининг техник параметрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Марказнинг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

мамлакатимизда туберкулөз касаллигини даволаш мактабини яратишга кўшган улкан хиссасини инобатга олган ҳолда Марказда академик Шокир Алимов номини тиклаш;

Марказ хузурида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида респиратор касаллар бўйича замонавий йўналишларни хисобга олган ҳолда фундаментал ва амалий инновацион тадқиқотларни ўзида мужассамлаштириган Шокир Алимов номидаги илмий мактаб ташкил этиши;

Марказ таркибида Миллий референс лаборатория ташкил этиши. Бунда белгилансинки, Миллий референс лабораторияни қуриш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари хисобидан, жихозлаш билан боғлиқ харажатлар эса хорижий грант маблағлари хисобидан қопланади;

Марказнинг ва ҳомийлик маблағлари хисобидан маҳаллий ва чет эллик микробиологик лаборатория мутахассислари учун илмий-амалий тренинг маркази фаолиятини йўлга куйиш;

Марказга, худудлардаги фтизиатрия ва пульмонология марказларига ҳамда катталар учун мўлжалланган сиҳатгоҳларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетига киритилмаган тиббий хизматларни пуллик асосда кўрсатиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) билан биргаликда 2023 йил якунига қадар Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган пульмонология ёрдамининг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқласин.

9. Белгилансинки, 2023 йил февралдан бошлаб Марказ фаолиятида арадаш молиялаштириш шакли жорий этилади. Бунда:

Марказ таркиbidаги лаборатория ҳамда Туберкулөз стратегиясини аниқлаш, эпидемиология, мониторинг ва дорилар менежменти бўлнимини сақлаш билан боғлиқ харажатлар смета асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида скрининг тадбирлари ташкил этиши;

Давоми 3 бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2023-2026 ЙИЛЛАРДА ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮГРИСИДА

Давоми. Боши 1 ва 2 бетларда

сода молиялаштирилади;

Марказ томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга йўлланма асосида кўрсатилган тиббий хизматлар сарф-харжатлари базавий нархлар доирасида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали белгиланган тартибда қоплаб берилади.

Соғлиқни саклаш вазирлиги Иктисолиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда **бир ой муддатда** колган Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ўрганиб чиқиб, улардаги фаолияти бевосита беморлар билан боғланмаган бўлинмалар харажатларини молиялаштириш бўйича таклиф киритсин.

10. Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳамда Иктисолиёт ва молия вазирлигининг мазкур қарор қабул қилингунга қадар Марказнинг ходимларга иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш ҳамда саклаш харажатларини қоплаш хисобига Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси олдида ҳосил бўлган қарздорлигини хисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

11. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига фтизиатрия ва пульмонология ёрдамини кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

2024-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология тизимидағи муассасаларни қайта таъмирлаш дастури 3-иловага мувофиқ;

Фтизиатрия ва пульмонология ти-

зимидағи муассасаларни замонавий ташхислаш, даволаш ва реанимация ускуналари билан жихозлаш чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ;

2023-2025 йилларда фтизиатрия ва пульмонология тизимидағи сиҳатгоҳларни замонавий реабилитация, даволаш ва лаборатория ускуналари билан жихозлаш чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларда "Ўпка саломатлиги" мобил бригадаларини жихозлаш учун ускуналар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни саклаш вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргалиқда Германия тараккӣ банки томонидан мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ Марказга ажратилаётган грант маблағларини жалб қилишда кўмаклашсан.

12. Иктисолиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни саклаш вазирлиги билан биргалиқда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ҳар йили туберкулёз ва сурункали обструктив ўпка касалларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ушбу қарорда назарда тутилган иммунодиагностика, туберкулёзга қарши дори воситалари, лаборатория реагентлари хариди учун зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Соғлиқни саклаш вазирлиги (А.Иноятов):

Курилиши ва ўй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги билан биргалиқда Соғлиқни саклаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида Марказнинг бино-иншоотларини капитал таъмирлаш ҳамда тиббий ускуналарини созлаш;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ташиб ишлар вазирлиги билан биргалиқда ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаларининг бажарилиши учун халқаро молия институтларининг соҳага тегишли грантларини жалб қилиш;

Иктидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-куватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан танлов асосида саралаб олинган 40 нафаргача фтизиатр ва пульмонологларни 2023-2026 йиллар давомида нуфузли хорижий тиббиёт марказларида малака оширишга юбориш чораларини кўрсина.

14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Соғлиқни саклаш вазирлиги билан биргалиқда туберкулёз ва ўпканинг носпектив касалларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий ишлар диссертация химоясигача Марказнинг тегишли мавзудаги тақризи олинишини таъминлансан.

15. Инновацион ривожланиш агентлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳамда Марказ илмий-тадқиқот лойихаларини амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантиришда туберкулёз ва ўпканинг носпектив касалларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган лойихалар танловини эълон қиласин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бир ой муддатда 2023 йилга мўлжалланган туберкулёз ва ўпканинг носпектив касалларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган лойихалар танловини эълон қиласин.

кларини профилактика қилиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда реабилитация жараёнларига нисбатан жамоатчиликда ижобий фикрни шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармокларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган мақолалар эълон қилиш, тематик телекўрсатувлар намойиш этиш бўйича медиа-режа қабул қиласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгариш ва кўшимчалар киритилсан.

18. Соғлиқни саклаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда конунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни саклаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Боз вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

Давоми. Боши 1 бетда

шахсларнинг 95 foizi ўз мақомини билишлари, маҳсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 foizininin қонида вирус юклamasи аниқланмайдиган даражага тушиши кеरаклиги маълумот учун қабул қилинсан.

Мазкур стратегияга мувофиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида Соғлиқни саклаш вазирлиги Иктисолиёт ва молия вазирлиги билан биргалиқда 2023-2027 йилларда Давлат бюджети маблағлари, ОИТС, сил ва беззакка қарши курашиш бўйича Глобал жамғарма маблағлари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё

инфратузилмавий инвестициялар банкининг қарз маблағлари хисобидан аҳоли ўргасида ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида тест-тизимлари ва ретровирусга қарши воситаларни харид қилиш, ОИТСга қараш марказлари ва уларнинг туманлараро диагностика лабораторияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, мутахассисларнинг билим ва кўнинмаларини ошириш, кенг тарғибот ишларини ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар учун 120 миллиард сўм ва 54 миллион АҚШ доллари

миқдоридаги маблағлар йўналтирилишини таъминласин.

2. Соғлиқни саклаш вазирлиги (А.Иноятов):

а) 2027 йилда:

ОИВ инфекциясини юқтириб олган ҳамда ўз мақомини билган, маҳсус даволаш курслари билан қамраб олинган ва қонида вирус юклamasи аниқланмайдиган даражага тушган шахслар кўрсаткичи 95 foiziga etkaziliшини;

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам берилишини таъминласин;

б) никоҳланувчи шахсларни ОИВ инфекцияси бўйича мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнини электрон ти-

зим орқали амалга оширишни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлиги билан биргалиқда 2023 йил 1 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, 2023 йил яқунига қадар эса бошқа худудларда "Электрон ҳукумат" тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали ФХДЁ органлари ва тегишли тиббиёт муассасалари ўртасида электрон ҳамкорликни ташкил қиласин;

в) 2023 йил яқунига қадар ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатлар мониторингини таъминлаш, реал вақт режимида препаратлар ва диагностикумларнинг ҳаракатланишини ку-

затиб бориш имконини берувчи электрон ахборот тизимни яратсан ҳамда ушбу тизимни Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иктисолиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг электрон базалари билан интеграция қилиш орқали ФХДЁ органлари ва тегишли тиббиёт муассасалари ўртасида электрон ҳамкорликни ташкил қиласин;

г) икки ой муддатда Ички ишлар вазирлиги, Камбағаликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари билан

Давоми 4 бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 ва 3 бетларда

биргаликда ОИВ инфекциясига чалинган шахсларни ижтимоий, хукукий, маънавий ва тиббий-психологик кўллаб-кувватлаш, айниқса, ёшлар орасида ОИВ инфекцияси тарқалиши масалаларида кенг тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб бориш, жамиятда оилаий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга доир идоралараро чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари Соғликни сақлаш вазирлиги билан биргаликда худудлар кесимида 2023 йилга мўлжалланган ОИВга қарши курашиб тизими ни кучайтиришга доир “йўл ҳаритала-

ри”нинг амалга оширилишини, 2024-2026 йилларда тегишли даврга мўлжалланган “йўл ҳариталари”нинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳар ярим йилда Дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолатини танқидий муҳокама киلسин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсинг.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Дастурнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни назарда тутсин.

6. Соғликни сақлаш вазирлиги Ах-

борот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Дастурда белгиланган ОИВ инфекциясига доир долзарб масалалар бўйича мақолалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар орқали аҳоли орасида ОИВ инфекциясига қарши курашибининг аҳамияти мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

7. Соғликни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

8. Қарор ижросини самараали ташкил

қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғликни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 январь

МАҲОРАТ, ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ

ЎЗБЕК ШИФОКОРИНИ ҚАҲРАМОНГА АЙЛАНТИРГАН ЖАСОРАТ

Илк бор юртимиз шифокорлари томонидан сиам эгизаклари муваффақиятли ажратиб олинди



Мазкур операция Республика перинатал маркази қошидаги неонатал хирургия ўқув-даволашиб-методик марказида ўтказилди. Шу ўринда сизда ҳақли савол туғлиши мумкин? Юртимизда сиам эгизаклар аввал ҳам операция килинганми? Бир сўз билан айтган ҳа. Бундай операция 2006 йилда Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтинослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида чет эллик мутахассислар ҳамда маҳаллий шифокорларимиз томонидан амалга оширилган. Бу операцияларнинг фарқи шундаки, куни кеча ўтказилган операция фақатгина мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг фидойи меҳнатлари туфайли муваффақиятли амалага оширилди. Келинг, аввало, воқеа ривожига эътибор қаратайлик. 2022 йилнинг 31 майида Киргизистонда сиам эгизаклари дунёга келди. Эгизакларда ноодатий ҳолат ҳомиланинг 28 ҳафталигига аниқланди. Бу вазият бўлажак она ва оила аъзоларини хавотирга кўйди. Мутахассислар бу масалага жиддий

ёндошган ҳолда ҳомиладор аёлни Ўш шаҳридан Бишкек шаҳрига юборишиди. 29 хафтада туғруқ жараёни “Кесарча” усулида амалга оширилади. Эгизакларнинг умумий вазни 1 600 граммга тўғри келди. Уларга Фотима ва Зухра деб исм кўйишиди. Аслини олганда Фотима ва Зухра танасининг қорин қисми, аниқроғи жигари билан бирлашган бўлиб, битта ички аъзоларга эга эгизакларни ажратиш ўта мураккаб ва хавфли операция эди. Афсуслиги шундаки, улар яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, яъни опа-сингилларнинг фарзандларидан дунёга келган. Туғруқдан 10 кун ўтгач шифокорлар томонидан оила аъзоларига болаларнинг яшаб қолишидан умид ўйқилиги айтилиб, уйига руҳсат берилади. Бўлажак она ва оила аъзолари жажжи чакалоқчаларни бағриларига бошиб, уйларига олиб келишади. Орадан кунлар ўтиб, Фотима ва Зухранинг ҳаракатлари аста-секинлик билан ижобий томонга ўзгара бошлади. Фарзандларининг яшаб кетишидан умидвор бўлган ота-она

—Марказимизда ўтказилган ушбу ўта мураккаб амалиёт фақат ўзбек шифокорлари томонидан амалга оширилди. Ўтган йилнинг 16 декабрига қадар Республика перинатал маркази жамоаси ўзаро маслаҳатлашдик. Эгизаклар тўлиқ консилиум қилинди. Муассасадаги барча юқори технологияли асбоб-ускуналар текширувдан ўтказилди. Экспериментал тариқасида синов амалиётлари ўтказилиб, тиббий жамао ҳам технологиялар ҳам тайёр ҳолатга келтирилди. Албатта, бу каби ноёб операцияни мамлакатмизнинг энг тажрибали хирурглари ёрдами сиз амалга ошириб бўлмас эди. Устозларимиздан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори, профессор Ҳабибулла



Бахтиёр Эргашев, Неонатал хирургия ўқув-даволашиб-методик маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ла Оқилов ва Тошкент педиатри тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси мудири,

Давоми 5-бетда ➔

МАХОРАТ, ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ

ЎЗБЕК ШИФОКОРИНИ ҚАҲРАМОНГА АЙЛАНТИРГАН ЖАСОРАТ

Илк бор юртимиз шифокорлари томонидан сиам эгизаклари муваффақиятли ажратиб олинди



профессор Насриддин Эргашевлар яқиндан ёрдам бердилар. Айтиш лозимки, амалиётдаражаси кретик омилларни ҳаммамиз билар эдик. Шунинг учун бир неча ой давомида кўплаб адабиётларни ўқиб-ўрганб, халқаро даражада ўтказган амалиётларнинг видео тасвирларни таҳлил қилиб, барча масъулиятни зиммамизга олган ҳолда ишни бошлаб юбордик. Бунинг баробарида, вазиятни эгизакларнинг оила аъзоларига ҳам тушунтиридик. Уларнинг розилигига тўлиқ ишонч қылгач, 2022 йилнинг 19 декабрь куни операцияни белгиладик. Амалиёт З соат давом этди. Фотима ва Зухра бир-бири билан жигар орқали бирлашгани ўз исботини топди. Болаларни ажратганда жигардан ва қон-томирлардан қон кетишининг олдин олиш мақсадида ультра-тovуш ва аргон скалпели, шунингдек, "Bloodstop" деб аталган замонавий гемостатик материалдан фойдаландик. Натижада минимал даражада қон кетиши билан болалар ажратиб олинди. Амалиётни яна бир аҳамиятли томони шунда бўлди, эгизакларнинг ўт пуфаклари алоҳида-алоҳида шаклланган экан.

Мамнунлик билан айтмоқчи-манки, бу каби ноёб операциянинг маҳаллий хирургларимиз ҳамда тиббий жамоамиз томонидан амалга оширилиши, Ўзбекистон тиббиётининг бугунги нуфузи нималарга қодир эканлигини кўрсата олди.

Шундай қилиб, эгизаклар муваффақиятли ажратиб олинди. Лекин операциянинг кейинги босқичида тиббий жамоа икки гурухга бўлиниб, иш олиб боришлари керак эди. Сиам эгизаклари бир-биридан ажратилгач, Фотима ни Бахтиёр Эргашев, Насриддин Эргашев ва Нурбек Эгамназаров, Зухрани эса Ҳабибулло Оқилов, Жавлон Мухторов ва Абдухамил Абдуғаниевдан иборат неонатал хирурглар жамоаси операция қилди.

ЮРТИМИЗ ТИББИЁТИГА БИЛДИРИЛГАН КАТТА ИШОНЧ

Амрилло Иноятов, Соғлиқни сақлаши вазири:

— Сиам эгизакларини жаррохлик йўли билан ажратишга кўп мамлакатларда ҳатто энг моҳир хирурглар ҳам жазм этолмайди. Чунки бу — ўта ноёб операция. Қолаверса, бир вужудга бирлашган икки "жажжи жон"нинг ҳаёти ҳар сония хавф остида бўлади. Ҳаммаси ши-

фокорнинг билим ва маҳоратига, лаҳзалар оралиғига қабул қиласидан тўғри қарорларига боғлиқ. Ўзбек хирурглари буни қатъият билан уddyалади. Тиббиётимиз тарихи яна бир оламшумул воқеа билан бойиди. Бугун кўшни қирғизистонлик эгизакларнинг яқинлари билан сұхбатлашдим. Уларни ма учун айнан Ўзбекистон шифокорларига жондан азиз



ва, шунингдек, малакали операция ва тиббий ҳамширалар гурухи яқиндан ёрдам берди. Шу ўринда айтишимиз лозимки, Фотимага қараганда Зухранинг буйраклари анча кичик экан. Олиб борилган жараёнларда бу ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Унинг саломатлигини тиклашда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг болалар бўлимининг мутахассислари катта ҳисса кўшиди.

Соғлиқни сақлаши вазири Амрилло Иноятов Республика перинатал маркази қошидаги Неонатал хирургия ўқув-давлати-методик марказида операция натижасида ажратиб олинган болалар ҳолидан ҳабар олди.

Соғлиқни сақлаши вазири Амрилло Иноятов қирғизистонлик эгизакларнинг онаси ва бувиси билан сұхбатлашиб, ўзбекистонлик мутахассислар малакасига ишонч билдирилган учун уларга миннатдорлик сўзларини билдириди. Ўз навбатида, болаларнинг бувиси Хатира Примова ва онаси Зоҳида Мирзаакбарова ҳам вазирга ҳамда бутун ўзбек шифокорларига ўз ташаккурни айтди.

ЮРТИМИЗ ТИББИЁТИГА БИЛДИРИЛГАН КАТТА ИШОНЧ

Амрилло Иноятов, Соғлиқни сақлаши вазири:

— Сиам эгизакларини жаррохлик йўли билан ажратишга кўп мамлакатларда ҳатто энг моҳир хирурглар ҳам жазм этолмайди. Чунки бу — ўта ноёб операция. Қолаверса, бир вужудга бирлашган икки "жажжи жон"нинг ҳаёти ҳар сония хавф остида бўлади. Ҳаммаси ши-



гўдаклари тақдирини ишониб топширганини ҳаяжон билан тушунтиришиди. Аввало, иккни қардош ҳалқнинг бир-бирига меҳр-оқибатидан кувонган бўлсан, бошқа томондан, ўзбек тиббиётига узок-яқин мамлакатларда ҳам катта ишонч билдирилаётгани мени жуда хурсанд қилди. Ўйлайманки, бу давлатимиз раҳбари белгилаб берган мэрраларнинг бошланиши. Келгусида хорижда жорий этилаётган янги ва энг илгор тиббий амалиётларни юртимизга олиб кирамиз!

МУВАФФАҚИYАТ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМАН

Такаши Хатори, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Интернет тармоғи орқали Ўзбекистон шифокорлари сиам эгизакларида муваффақиятли операция ўтказганини ўқиб, хайратда қолдим. Бундай мураккаб амалиётлар ҳамма давлатларда ҳам бажарилавермайди. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларда бундай операциялар узок муддатли таҳлиллардан сўнгтина амалга оширилади. Ушбу воқеа ўзбек тиббии шиддат билан ривожла-

наётганини кўрсатиб берди. Мамлакатингиз шифокорлари орасида шундай ноёб амалиётларга кўл ураётган малакали мутахассислар борлиги билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи кўп минг сонли ходимларни табриклиман.

ЎЗБЕК ШИФОКОЛАРИГА РАХМАТ АЙТАМАН

Хатира Примова, сиам эгизакларининг бувиси, Қирғизистон Республикаси фуқароси.

Қирғизистондан Ўзбекистонга сиам эгизаклари бўлган набираларимни октябрь ойида олиб келгандик. Ўшанда улар 5 ойлик эди. Туғуруқхонадан олиб чиқаётганимизда чақалоқларнинг яшаб қолишига умид йўқ, дейишган. Қариндошларимиз орқали юртингизнинг тажрибали дўхтирлари билан боғланнимизда, бизга умид беришиди. Бир неча ой

кўрасиз, ҳали бу ердан невараларингизни соғлом ҳолда, иккни қўлингизда алоҳида-алоҳида кўтариб чиқиб кетасиз", деб бизга далда берди. Операция бошланишидан олдин ҳам бундай амалиёт жуда мураккаб экани, агар хошишимиз бўлса, бошқа давлатда ўтказишмиз мумкинлиги ҳақида айтишди. Лекин дўхтирларнинг аввалги операциялари натижалари ҳақида хабардор бўлганимиз учун уларга охирги дақиқагача ишонч билдирилди. Мана, тугилганида яшаб кетишига ҳеч кимнинг кўзи етмаган набираларим 7 ойлик бўлди. Бунга, аввало, Аллоҳнинг марҳамати, сўнгра ўзбекистонлик шифокорларнинг маҳорати сабаб. Ўз касбининг ҳақиқий фидойилари бўлган, ишини вижданан ва ҳалол бажараётган шифокорларга раҳмат айтаман. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ҳолимиздан хабар олиб келгандарида: "Худо хоҳласа, Фотима-Зухралар улғайиб, шифокор бўлиб, оқ ҳалат кийсин. Ўшанда ҳам уларни Ўзбекистонда ўқитайлик" деб тилак билдирилди. Биз ҳам вазир айтганидек, набираларим келажақда шундай кўли енгил шифокор бўлишини ният қилдик. Эгизакларимиз ҳаётини сақлаб қолиб, оиласизга баҳт улашганлари учун Республика перинатал марказига, муассасасининг Бахтиёр Эргашев раҳбарлигидаги



гўдаклари тақдирини ишониб топширганини ҳаяжон билан тушунтиришиди. Аввало, иккни қардош ҳалқнинг бир-бирига меҳр-оқибатидан кувонган бўлсан, бошқа томондан, ўзбек тиббиётига узок-яқин мамлакатларда ҳам катта ишонч билдирилаётгани мени жуда хурсанд қилди. Ўйлайманки, бу давлатимиз раҳбари белгилаб берган мэрраларнинг бошланиши. Келгусида хорижда жорий этилаётган янги ва энг илгор тиббий амалиётларни юртимизга олиб кирамиз!

Операцияда иштирок этган мутахассислар Соғлиқни сақлаши вазири Амрилло Иноятов томонидан "Соғлиқни сақлаши аълочиси" кўкрак нишони ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Куни кеча Фотима-Зухролар оила-аъзолари билан ўз юртингизга жўнаб кетишиди.

**Ибодат СОАТОВА,
журналист.**

ИМКОНИЯТ

Республика тез тиббий ёрдам маркази автобазаси 110 та "Volkswagen Caddy" русумли сўнгги авлод тез тиббий ёрдам машиналари билан бойиди.

Соғлиқни саклаш вазирлиги тизимида эскирган автотранспорт воситаларини босқичма-босқич замонавийларига алмаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, "103" хизматида 2938 дона "Тез ёрдам" машинаси бўлиб, шундан 648 таси ёки 22 фоизи норматив хужжатларга асосан

чамлиги билан ажралиб турди. Мазкур автомобилларни лойиҳалаш ва жихозлашда шифокор ҳамда беморларга имкон қадар кулайлик яратишга эътибор берилган.

Хозирги кунда "103" тасар-

ҲУДУДЛАРГА "VOLKSWAGEN CADDY" ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



янгиланишга муҳтож. Жиззах вилоятида Соғлиқни саклаш вазири ўринбосари Отабек Фозилкаримов ва вазирлик масъул вакиллари иштирокида ўтган янги тез тиббий ёрдам

автомашиналарини тантанали топшириш маросимида таъкидланганидек, "Volkswagen Caddy" юқори техник кўрсагачига эгалиги, ҳаракатланиш кобилияти юкорилиги ва их-

руфида 244 та "Hundai", 145 та "Volkswagen Caddy", 90 та "Nissan", 46 та "Toyota", 228 та "Ford", 13 та "Foton", 37 та "УАЗ", 5 та "Isuzu NLR", 29 та "Isuzu D-MAX", 19 та "Га-

олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълимни риҷовлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Рақамли таълим технологияларини риҷовлантириш марказлари ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон ҳудудидаги 68 та Олий таълим мұассасаларидан жами 150 000 мингдан зиёд электрон ресурслар базасини яратишга эришишди. Мазкур интернет плат-

ва NASA ташаббуси билан Ди-гитал Либрарис инитиативе (ДЛИ)- Ракамли кутубхоналар ташаббуси номли электрон кутубхоналар бўйича тадқиқот дастури иш бошлаган. Орадан тўрт йил вақт ўтиб, у ягона тармоқларро дастурга бирлаштирилди. Бу дастурга миллий тиббиёт кутубхонаси, АҚШ статистика агентлиги, Миллий гуманитар фонд, АҚШ миллий архиви ва бошқа федерал агентликлар кўшилди. Айни миллий дастурнинг истиқболи сифатида кейинчалик ҳам Буюк Британия миллий дастури — ЭЛИБ тизими ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда кантор мамлакатлар (Канада, Германия ва бошқалар)да электрон кутубхоналар тизимини ташкил этишга оид миллий ва халқаро лойиҳаларга эътибор шу даражада кучайдики, унинг натижасида EBSCO HOST, WEB OF SCIENCE, JSTOR, ProQuest, east view, сингари хо-

рижий илмий-таълими базалари яратилди. Электрон кутубхоналар тизимида ўтишнинг устувор жиҳатлари сифатида куйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

Биринчи; китобларни сақлаш учун махсус жой зарурятининг йўқлиги;

Иккинчи; нодир асар ва маълумотларни сақлаш ва улардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги;

Учинчи; фойдаланишининг кулалиги ва янгилиги;

Тўртинчи; қидирув тизимларининг мавжудлиги;

Бешинчи; маълумотлар ҳажмининг чекланмаганилиги;

Олтинчи; маълумотни аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттирилиши;

Етминчи; вақтнинг тежалиши ва чекланмаганилиги, яни ундан 24 соат мобайнида фойдаланиши мумкинилиги;

Саккизинчи; қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.

Хулоса ўрнида шуни айтиши мумкини, кутубхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборотларни рақамлаштириши ўз навбатида кутубхоначилардан ҳам замонавий информацион технологиялардан фойдаланиши, уларни бошқарши каби муҳим вазифаларини юксалтиради. Энг муҳим жиҳат эса, амалга оширилаётган ноёб тизимлар тилсими мамлакатимиз аҳолисининг босма ва электрон китоблардан фойдаланишида янги даврни очиб бораверади.

**Рустам МАЛИКОВ,
Тошкент фармацевтика институти
Ахборот ресурс маркази директори.**

автотранспорт воситаларини 2022-2024 йилларда янгилаш белгиланган.

— Халқаро тажрибани ўрганиб, А, Б, С тоифали "Тез ёрдам" автомобиллари учун стандартларни ишлаб чиқишга вазирлик даражасида жиддий эътибор қартилмоқда, — дейди **О.Фозилкаримов**. — Янги қабул қилиб олинган А тоифали ушбу автомашиналар тез тиббий ёрдам бригадалари ишини янада такомиллаштиришга мўлжалланган. Шу ернинг ўзида 110 та автомобилни барча ҳудудларга тақсимлаб бердик. Ишончимиз комилки, бешинчи авлод "Volkswagen Caddy" автомобиллари узок йиллар халқимиз манфаатлари учун хизмат килади.

Тадбир давомида вазирлик масъуллари янги тез тиббий ёрдам машиналарини қабул қилиб олган ҳайдовчилар билан уларнинг имкониятлари ҳақида сухбатлашиди.

@ssvuz.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

Сўнгги йилларда Ахборот кутубхона марказлари (АҚМ) ва Ахборот ресурс марказларини (АРМ) рақамлаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу жараён эса ўз навбатида мазкур мұассасалар фаолиятига алоқадор органлар фаолиятида янги тизимларни жорий этиш масалаларини қўяди.

Бу эса мамлакатимизда- бири барча АҚМ ва АРМ-лар орасида ягона бирликни, таълимнинг юқори даражасида кутубхоналардан фойдаланишишнинг замонавий ва кулай усусларини, шунингдек, профессор ўқитувчилар, талабалар ҳамда мустақил фойдаланувчилар учун китобдан фойдаланишишнинг янги босқичларини яратади.

Шу кунга қадар мамлакатимиздаги барча олий таълим мұассасалари, шаҳар ва туман АҚМлари бир неча номдаги кутубхоначилик платформаларидан фойдаланиб келишашётган эди. Узнил, Унисат, Армат, Армат+, Ирбис32, Ирбис 64 сингари маҳаллий дастурларнинг ягона камчилиги улар ўртасидаги умумий бирликнинг мавжуд эмаслигига эди. Яъни битта кутубхона мұассасасида электрон ҳолатга ўтказилиб, дастурга юкланди ада-биётдан бошқа АҚМ ва АРМ-лар бевосита фойдаланиш имконига эга эмас эдилар. Айнан ушбу муаммоларнинг ечими сифатида ягона бирликни му-

UNILIBRARY.UZ: КУТУБХОНАЛАР ТИЗИМИДА ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ

жассамлаштирган платформага катта эҳтиёж сезиларди. Амалга татбиқ этилаётган ноёб тизимлар натижаси эса кутубхона фаолиятига кўчиб, ушбу тармоқларда янги истиқбол саҳифаларини очмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йилнинг 13 июлдаги кунидаги 225-сонли "Олий таълим тизимига "Электрон кутубхона" платформаси"ни жорий этиш ва доимий фаолиятини таъминлаш тўғрисида" ги буйргуғининг амалий ижросини таъминлаш мақсадида, "Unilibrary.uz:" олий таълим мұассасаларининг ягона электрон кутубхона интернэт платформаси жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси

формасида ўқув адабиётлар, илмий мақолалар, монографиялар, диссертациялар, авторефератлар ва бошқа турдаги адабиётлар жамланган. Шунингдек, "Unilibrary.uz:" да 70 дан ортиқ соҳалар ўрин олган бўлиб, фойдаланувчи ўз қизиқиши ёки мутахассислиги бўйича исталган адабиётдан онлайн ёки юклаб олиш орқали фойдаланишига эришилади.

Дунёнинг биринчи рақамли кутубхонаси саналмиш АҚШ конгресси кутубхонаси дунё бўйлаб электрон кутубхона яратиш миллий дастурини амалга ошира бошлаган биринчи кутубхона ҳамдир. Жаҳон статистик маълумотларига караганда, 1994 йилдан бошлаб, АҚШда NSF, DARPA

ЭЗГУЛИК

Юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, болаларга кўрсати-лаётган ғамхўрликнинг гувоҳи бўламиз. Сўнгги йилларда мам-лакатимизда болалар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказиш, фарзандларимизни миллий ва умумин-соний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Шу боисдан, ҳар бир бошланган эзгу қадам ортида ўзбекларга хос меҳр-муҳабbat ва миллий қадриятлар мужассам. Бу борада Болаларни қўллаб-куватлаш жамоат фондининг 2022 йилда амалга оширган ишлари фикримизнинг яққол тасдиғи бўла олади.



Фондга давлат бюджетидан ажратилган маблағлар айни пайтда эҳтиёжданд оиласларнинг фарзандлари, чин етимлар, оғир қасалликка чалинган ва ногиронлиги бор болаларни тиббий-ижтимоий қўллаб-куватлаш, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўл-



ган болаларни таълим олишига кўмаклашиш, оғир ҳасталикка чалинган болаларни маҳаллий ва хориж клиникаларида даволаш, зарур дори воситалари билан таъминлаш каби хайрия тадбирларига йўналтирилмоқда. Фаолиятларни таҳлил киладиган бўлсак, 2022 йилда жами 4147 нафар бемор болаларга тиббий, ижтимоий ҳамда психолигик ёрдам кўрсатилди. Шулардан 20 нафар бемор болла Туркия, Германия, Россия, Беларусь давлатининг нуфузли клиникаларига юборилди. Шу кунгача Жамоат фонди томонидан юрак туғма нуқсони, туғма лаб, танглай ёриклири нуқсони, кўз, эшитиш тизими, ортопедик қасалларни ташхиси бўлган болаларга жарроҳлик амалиётини ўтказиш максадида Қорақалпоғистон Республикаси, Xоразм, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида “Эзгулик манзили”, “Болаларга табассум” хайрия акциялари ўтказилиб, тўрт мингга яқин бемор болалар (юрак нуқсони, кўз ожизлиги, эшитиш даражасининг

МЕҲР ВА ЭЪТИБОРНИНГ НУРЛИ МАНЗИЛИ

канални ёпиш) мосламаси, Самарканд, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 300 нафар оғир туғма юрак нуқсони бўлган болаларга жарроҳлик амалиётини ўтказиш максадида оксигенаторлар ҳамда 6 дона кардиомонитор ҳарид қилинди. Бунинг натижасида 350 нафар туғма юрак қасаллиги бор бемор болаларга жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. “Халқаро саротонга чалинган болалар куни” муносабати билан Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник гематологияси марказида, “Бутунжаҳон Аутизм муаммоси ҳақида аборт тарқатиш куни” муносабати билан Қурбоновномли Республика болалар психоневрологик шифохонаси ҳамда Республика болалар миқёсидаги клиникаларда саломатлиги тикланди. Вилоятдаги мутахассислар учун 500 га яқин маҳорат дарслари ўтказилди.

Туркиянинг юқори малакали ортопедлар гурухининг ташрифи давомида 140 нафар бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди ва 20 нафарига туғмаскалиоз ташхиси асосида мураккаб Республика даражасида қилиб бўлмайдиган жарроҳлик амалиётлари бажарилди ва шифокорлар учун маҳорат дарслари берилди. Болалар миллий тиббиёт марказига шошилинч тарзда 30 нафар бемор бола учун оқилодер (жарроҳлик кесишиз очик arteriyal pastligi, платик жарроҳлиги ҳамда ортопедик қасалларни бўйича) юқори малакали мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди, 650 нафар болага ўз худудида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди, қолгандарни республика даражасида жарроҳлик амалиётiga мухтож бемор болаларни эса Тошкент шаҳрига олиб келиб, Республика миқёсидаги клиникаларда саломатлиги тикланди. Вилоятдаги мутахассислар учун 500 га яқин маҳорат дарслари ўтказилди.

Туркиянинг юқори малакали ортопедлар гурухининг ташрифи давомида 140 нафар бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди ва 20 нафарига туғмаскалиоз ташхиси асосида мураккаб Республика даражасида қилиб бўлмайдиган жарроҳлик амалиётлари бажарилди ва шифокорлар учун маҳорат дарслари берилди. Болалар миллий тиббиёт марказига шошилинч тарзда 30 нафар бемор бола учун оқилodер (жарроҳлик кесишиз очик arteriyal pastligi, платик жарроҳлиги ҳамда ортопедик қасалларни бўйича) юқори малакали мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди, 650 нафар болага ўз худудида юқори технологик жарроҳлик амалиётlari bajariladi, qolgandarni respublika daражasiда jarrohlik amaliyotiga muhtoz bermor bolalarni esa Toshkent shahriga olib kelib, respublika miqo'sidagi klinalarnda salomatligi tikanlandi. Viloyatdagi mutakhassislarni oshun 500 ga yakin mahorat darslari utkazildi.

“Хулоса қилиб айтганда, минглаб ҳаста кўнгилларга баҳт кириб борди, оғир дард билан қурашиб келган кичкинтойлар соглом ҳаётга қайти! Президентимиз томонидан қўйилган энг муҳим талаб – инсон қадрини улуғлаши мана шундай эзгу ташабbuslar, хайри қадамлар билан янада сермазмун бўлади. Янги Ўзбекистон ҳеч кимни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, ҳеч бир фарзандини эътибордан четда қолдирмайди.

парати, реабилитация ускунлар, электрокаляска ва бошка жиҳозлар сотиб олиб берилди.

Болаларни қўллаб-куватлаш Жамоат фонди томонидан мунтазам равиша эҳтиёжданд оила фарзандлари, чин етимлар ва ногиронлиги бўлган болаларга меҳр-муруvvat ва хайрия ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Масалан, жорий йилнинг апрель ойида Тошкент вилоятининг Ўртачирик туманидаги 50 та оиласа уларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бир неча турдаги маҳсулотлар тўплами хайрия ёрдами сифатида топширилди. Шунингдек, Жамоат фонди томонидан ахолиси сел оқибатида жабр кўрган Фориш ҳалқига турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган материаллардан иборат инсонпарварлик ёрдами хам юборилди. Янги йил байрамида бемор болаларнинг истакларидан келиб чиқсан ҳолда совғалар олиб берилб топширилди.

Ўтган давр мобайнида Фонд томонидан мунтазам равиша оммавий аборт воситаларда чиқишилар ташкил этилди. Жумладан 1503 та чиқиши, шундан: 1078 та матн, 71 та интервью, 62 та инфографика, 45 та аудио, 247 та видео маҳсулотлари тайёрланди.

Марат СОДИКОВ,
Болаларни қўллаб-куватлаш
Жамоат фонди директори.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
саклаш
вазирлиги

Бош мухаррир
Амилло ИНОЯТОВ
Бош мухаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилгандо «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририята келган кўлёзмалар тақриз кишинмайди ва муаллифга кайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2-кават.

Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 марта Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 0015-ролами билан рўйхатта олинган.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва сакифаланди.

Адади 675 нусха.
Буюртма Г-135

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаза акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоб. Формати А3. Офсет усулида босилган.